

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 8 май, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (10.896)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- 9 май Хотира ва Қадрлаш куни Самарқандда ҳам кенг нишонланмоқда. Шаҳардаги Хотира майдонида вилоят жамоатчилиги, уруш ва меҳнат фахрийлари тўпланди.
- БУГУН Тошкентда «Agromitech» — 2007 қишлоқ хўжалиги учун мини технологиялар ва ихчам ускуналарнинг иккинчи халқаро иттифоклаштирилган кўргазма савдоси иш бошлади. Унда Германия, Венгрия, Италия, Бельгия, Австрия, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Ҳиндистон, Украина каби давлатларнинг кўплаб фирма ва компаниялари ўзларининг замонавий кичик ускуналарини намойиш этмоқда.
- Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Ўзбекистонда Япониянинг «BAS» молиялаштириш дастурининг очилиши: кичик ва ўрта корхоналар учун консалтинг хизматлар» лойиҳасининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.
- Гулистон шаҳридаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида «Тошкент — ислом маданияти пойтахти» мавзuida китоблар кўргазмаси ташкил этилди.
- Навоий шаҳрида «ТААЕЛ POLIMER SINTEZ» Ўзбекистон—Эрон қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада 60 литргача бўлган суюқлик, кимёвий эритма ва бошқа маҳсулотлар сақланадиган пластмасса идиш-канистрлар ишлаб чиқарилади.
- Хонобод шаҳридаги «Андижонкабель» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси тўла модернизация қилинди. Бу мис ўрамлари ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайтириши билан бирга кабелларни компьютер тизими орқали назоратдан ўтказгандан сўнг мижозларга юбориш имконини берди.
- Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юртида анъанавий «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Куролли Кучлари марказий музейида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган бадиий кўргазма очилди.
- Пойтахтимиздаги миллий санъат марказида «Дом стилья» дизайнерлар бирлашмаси билан ҳамкорликда «Баҳор-Ёз — 2007» мавсумий либослар намойиши бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

- Кения авиакомпаниясига қарашли «Boeing-737-800» самолёти шанба куни кечкурун Камеруннинг Дуала аэропортидан ҳавага кўтарилиб, кўп ўтмай йўқолиб қолганди. Кейинроқ маълум бўлишича, самолёт ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ҳалокатга учраган экан. Унинг бортида 23 та давлатдан 114 нафар йўловчи бўлган.
- «Рейтер» ахборот агентлиги маъмуриятининг хабарига кўра, номаълум харидор агентликини сотиб олишни режалашмоқда. Ҳолбуки, агентлиқнинг сотилиши билан боғлиқ маълумотлар ошкор этилмаган эди. Шунга қарамай «Рейтер» акциялари баҳоси 26 фоизга кўтарилган.
- Францияда президентлик сайловининг иккинчи тури ғолиби маълум бўлди. Сайлов бюллетенлари ҳисоб-китобига кўра консерваторлар вакили, собиқ ички ишлар вазири Никола Саркози 53,06 фоиз овоз тўплаб ғолибликни кўлга киритди.
- Болгария бosh вазири Сергей Станиславов Россия Федерациясига расмий сафар уюштироқчи. Бosh вазири ташиф асносида Россия Президенти Владимир Путин билан учрашиши маълум қилинмоқда. Ушбу расмий сафардан энергетика, туризм, иқтисод соҳасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш кўзда тутилган.
- Туркия Президенти Абдуллоҳ Гул номзодини иккинчи бор президентликка сайлай олмади. Парламентнинг яқшанба куни бўлиб ўтган мажлисида депутатларнинг барчаси иштирок этмагани боис мамлакатнинг янги президенти аниқланмаган.
- Мароккаш хавфсизлик хизмати мамлакатда бир неча йилдан буён фаолият юритиб келган жиноий тўдани кўлга олди. 20 кишидан иборат бу тўда «Ал-Қоида» ва Ироқдаги жангарилар сафига одамларни жалб этиш билан шуғулланиб келган. Тўда бошлигининг сўзларига кўра, улар ҳар бир ёлланма «аскар» учун катта миқдорда пул муқофоти олган.
- АКШнинг Канзас штати жанубида жойлашган Гринсбург шаҳарчаси улкан ва кучли қуюн туфайли бутунлай вайрон бўлди. 1,5 километр энликдаги ушбу қуюн 1,5 минг киши яшовчи ушбу шаҳарчадаги уй ва бошқа биноларнинг 95 фоизини яқсон қилди.
- Лондоннинг «Челси» футбол клуби бosh мураббийи Жозе Моуриньо шу йил ёзда ўз жамоасида таркибий ўзгаришлар режасини амалга ошириш нияти борлигини маълум қилди. Бундай қилинишига сабаб клубнинг Европа чемпионлар лигаси финалига чиқа олмагани, шунингдек, мамлакат чемпионатидаги омадсизлигидир, дейилмоқда.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ


Гидрометеорология хизмати маълум қилишича, 9 май куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайдиган. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 18-20 даража иссиқ бўлади.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни



ЮКСАК ЭҲТИРОМ



ПОЙТАХТИМИЗДА РЕСПУБЛИКА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ФАХРИЙЛАРИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ «НУРОНИЙ» ЖАМГАРМАСИ ТОМОНИДАН 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИГА БАҒИШЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН УЧРАШУВГА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ, НУРОНИЙ ОТАХОН ВА ОНАХОНЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлол йилларида юртимизда нуронийларга

давлат ва жамият томонидан доимий диққат-эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек хайрли ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидладилар.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ уруш ва меҳнат фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилган ҳамюртларимиз, ўзгалар ёрдамига муҳтож ёши улғу кишилар, отахон ва онахонларнинг яшаш шароитини янада яхшилашга, саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Айни пайтда фахрийларимиз оилаларда тинчлик ва тотувлик, жамиятда барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этаятир.

— Мамлакатимизда кекса авлод вакилларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-тиббий кўмак бериш масаласига устувор ва-

зифа сифатида эътибор бериб келинаётгани биз, кексаларни жуда қувонтиради, — деди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси, истеъфодаги полковник Иброҳим ота Расулов. — Кексалари эҳтиромда бўлган юртининг истиқболи эса албатта порлоқ бўлади.

Тадбир иштирокчиларига ташкилотчилар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси томонидан совғалар топширилди. Санъат усталари ва ихрочи ёшларнинг мусикий дастури намойиш этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири
Наталья Семёнова ва Шавкат
Қаҳҳор олган суратлар.**

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА 7 МАЙ КУНИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда икки мамлакатнинг изчил ривожланиб бораётганини таъкидладилар.

— Президентларимизнинг 2006 йил март ойида Сеулда ўтган музокараси якунида Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация имзоланган эди, — деди Чо Те Ёль. — Бугунги учрашувдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий, гуманитар, таълим ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни стратегик шериклик тарафидан мустаҳкамлаш янада кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқишдан иборат.

Узаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида икки мамлакатнинг имкониятлари катта. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йили 600 миллион АКШ долларидан ошди, 2007 йилнинг январь-март ойларида эса 151,3 миллион АКШ доллари ташкил этди.

Ўзбекистонда корейлик сармоядорлар билан ҳамкорликда

ташкил этилган икки юздан ортиқ қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва энгил саноат, металлчи қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди. Кореялик ишбилармонлар билан биргаликда саноатнинг янги тармоқлари ўзлаштирилмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг олтишга яқин компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Учрашувда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида товар айирбошлаш ҳажмининг янада ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, нефть-газ, энергетика, тўқимачилик, минерал захиралар ва меҳнат ресурслари, таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди, ахборот технологиялари ва кичик бизнес соҳасида икки томон учун ҳам манфаатли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

**Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кечаси сатрларда

- БУГУН Ҳамза туманидаги «Само» қаҳвахонасида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Тенгдош» маданият уйи ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Хотира — муқаддас, қадрлаш — бурчимиз» деб номланди.
- БУГУН 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан фахрийларга эсдалик совғалари тўхфа этилди.
- КЕЧА Миробод туманида туман ҳокимлиги ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.
- КЕЧА Сергели туман ФХД бўлимида фахрийлар иштирокида туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган тадбир 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.
- КЕЧА Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғига ташриф буюрган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари иштирокида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари эъозланди.
- БЕКТЕМИР туманидаги «Астробод» гузарида БУГУН 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан туман ҳокимлиги ҳомийлигида уюштирилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирок этишди.
- БУГУН Мирзо Улғубек номидаги маданият ва истироҳат боғида Мирзо Улғубек туман ҳокимлиги томонидан 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари эъозланди.
- БУГУН Шайхонтоҳур туманидаги «Аср таомлари» қаҳвахонасида туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташриф буюрган иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирнинг гувоҳига айланди.
- ЧИЛОНЗОР туманидаги 128-мактабда туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, Республика Адлия вазирлиги, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман ФХД бўлими, Ўзбекистон халқ демократик партияси Чилонзор туман Кенгаши ҳамкорликларида «Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш» мавзuida ўтказилган тадбирда «1-Чарх Камолон», «2-Чарх Камолон», «3-Чарх Камолон» маҳаллаларининг фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

GERMANYANING BREMEN SHAHRIDA ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН АХБОРОТ КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИР GERMANIYADA ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЎЗБЕК МИЛЛАТИГА МАНСУБ АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ГУРУҲИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

БРЕМЕНДА ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН АХБОРОТ КЕЧАСИ

Кечаси Бремен шаҳрининг жамоатчилик, илмий ва педагогика доиралари вакиллари иштирок этди. Анжуман доирасида БМТнинг «Болалар ҳаёти учун фойдаланиш дунё» Декларацияси ҳамда ҳаракат дастурининг тақдироти бўлиб ўтди.

Иштирокчилар эътиборига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар, ўзбек халқининг кўна тарихи, бой маданияти ва анъаналари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилди. Республикада оила, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари рўйбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси мустақиллик эълон қилинганидан сўнг дастлабки йиллардан бошлаб мамлакат раҳбарияти олиб бораётган аниқ мақсадга йўналтирилган оқилона ижтимоий

сиёсат ҳосилалари эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бремен мактабгача таълим муассасалари бирлашмасининг раҳбари Бремен Уте Мау тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари муваффақиятли фаолият олиб бораётгани ва уларнинг ижтимоий вазифаларини бажариши юзасидан давлат муассасалари билан ўрнатган ҳамкорлиги эътиборга лойиқ эканини қайд этди.

— Бундай ижтимоий ҳамкорлик қўйилган мақсадларни самарали амалга оширишда алоҳида эътибор қаратилади. Республикада оила, оналик ва болаликни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, баркамол ёш авлодни тарбиялашга қаратилган мақсадли давлат дастурлари рўйбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси мустақиллик эълон қилинганидан сўнг дастлабки йиллардан бошлаб мамлакат раҳбарияти олиб бораётган аниқ мақсадга йўналтирилган оқилона ижтимоий

«Жаҳон» АА
Берлин

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни



ШАҲРИМИЗДА ҚАДАМЖОЛАР КЎП. УЛАР ОРАСИДА ХОТИРА МАЙДОНИ АЛОҲИДА АҲАМИЯТГА ЭГА. БУ МУҚАДДАС МАЙДОН НАИНКИ ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ, БАЛКИ ЙИЛ БЎЙИ ЗИЁРАТЧИЛАР БИЛАН ГАВЖУМ БЎЛАДИ. БУ ТАБАРРУК МАСКАНГА ҚАДАМИ ЕТИБ, БУ ЕРДАГИ ЯНГИЛИНИШ ВА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК ЎЗГАРИШЛАРНИ КЎРГАН ИНСОН ҚАЛБИДА ШУ ҚУДРАТЛИ ЮРТ БАРЧАМИЗНИКИ, УНИ КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АВАЙЛАБ-АСРАМОҚ ҲАР БИРИМИЗНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР, ДЕГАН ТУЙҒУ ЖЎШ УРАДИ.

Миллат борки, у хотира билан барҳаёт. Узининг порлоқ келажигини кўриш орзусида бўлган миллатнинг хотираси ҳаминча уйғоқ бўлади. Зеро, ўтмишнинг аччиқ ва чуқук кунларини эслаш, тарих синовларидан тўғри хулоса чиқара олмаган миллатнинг ўзлигини англаб етати, бугунги тинч ва осуда кунларнинг қадрига етати. Эндликда, ўтмишга айланган, биз номини унча рўйхуш бермайгина тилга оладиган маънавий урушнинг ўзи озмунча мудҳиш асоратини қолдирди-ми? Орадан 62 йил

жангтоҳларда қон кечаётган алпқомат ўғлонларнинг ўрни бўш. Жамики ишлар аёллар зиммасида. Фурсат ганимат. Енг шимариб ишлаш керак. Фронтга озик-овқат зарур. Қўлида қурол тутган йигитли ош-нон сув ва ҳаводек азиз. Фронт ортидагилар бир кунини кўрар, лекин галабани тезлатиш учун барча-барча маҳсулотларни, ҳатто оғзингидан ошни ҳам фронтга жўнатмоқ зарурати туғилган.

қалбимдасан, жигарим» деган сўзлар гўё сиз каби онажонларимизнинг фарзандига бўлган меҳрини ифодалаш билан барчамизни ҳушёрликка қўриб турибди. Гўё бу сўзлар авлодларга ўша дахшатли йиллар хотирасини эслаштириб, уларни бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етишга, тинчликни муқаддас билишга ундаётгандек бўлиб туюлади. 9 майнинг Ўртбошимиз томонидан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинишининг ҳам босиси ана шунда. Ушандан бери орадан ўтган саккиз йил мобайнида бу кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Айтиш мумкинки, бу нафақат жанг майдонларида қурбон

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

АЙНИ КУНЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ КЕНГ МИҚЁСДА ҚИЗГИН НИШОНЛАНМОҚДА. УРУШ ВА УРУШ ОРТИ МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ЎТҚАЗИЛИБ, УЛАРГА ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛАМОҚДА. БУНДАЙ ТАДБИРЛАРДА ФАХРИЙЛАР ҲАМ ҲУҚУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОРДАН ҚАЛБАРИ ҚУВОНЧУ ШОДЛИККА, ФАХР ВА ҒУРУРГА ТЎЛИБ ДИЛ ИЗҲОРЛАРНИ, МИННАТДОРЛИК ТУЙҒУЛАРНИ ИЗҲОР ЭТМОҚДАЛАР.

«Собир СУЛТОНОВ, уруш фахрийси:

— Шу кунларга етказганига шукр. Урушнинг биз кўрдик, илоҳим бошқалар кўрмагани. У кунларни ёдга олиш ниҳоятда оғир. Икки йил ўн беш кун урушда бўлиб, қайтдим. Мана ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин. Ҳукуматишимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига эътибор қаратилиб, қадрланаётганимиздан беҳад шодимиз. Ўртимизда халқ фаровонлиги йўлида тинимсиз янгиликлар, ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Илоҳим шундай жаннатмакон юртимизга, тинч-товуш, меҳр-оқибатли халқимизга кўз тегмасин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар бардавом бўлаверсин.

«Абдулла ИБОВОВ, уруш катнашчиси:

— Мен урушнинг биринчи кунидан бошлаб то галабагача ҳарбий шифокор бўлганман. Ватан озодлиги, жангчилар саломадлигини асраш энг олий мақсадим бўлган. Оллоҳга шукр, галабага эришиб, она юртимга эсон-омон ёруғ юз билан қайтдим. Ватан энг муқаддас, буюк саждадоҳидир. Ватанини улуғлагани эл-юрт ва Оллоҳ ҳам эъзозлайди. Мана заҳматли меҳнатларимиз роҳатини кўрпямиз. Мамлакатимизда мен каби фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиромдан хурсандман. Бундан қувонмай бўладими. Шундай ҳайрли ва савоиб ишга бош бўлган ташкилотчиларга ҳам минг раҳмат.

«Нафиса КОДИРОВА, меҳнат фахрийси:

— Яқинда Президентимизнинг уруш фахрийларини рағбатлантириш тўғрисидаги Фармонларини ўқиб, жуда қувондим. Ҳукуматишимиз томонидан фахрийларга буюк гамхўрлик кўрсатилиб ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватланаётганликларидан қалбим фахр ва ғурурга тўлмоқда. Мен ҳам уруш орти меҳнат фахрийсман. 1942-43 йилларда парашютга керемали деталлар ишлаб чиқарадиган заводда ишлаганман. Сўнг у ердан мени ўқишга юборишган. Тошкент педагогика институтига ўқиб, аспирантурани ҳам тамомладим. Шу ерда шай фаолиятимни бошлаб, 42 йил талабаларга сабоқ бердим. Мана қилган меҳнатларим самарасини кўрпяман. Бизларни сыйлаб, ҳурмат-эътибор кўрсатишаётганидан ниҳоятда бахтирман.

Дилором ИКРОМОВА
эзиб олди

ИНСОН ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

мехнатдан бўшамайди. Кечалари ўғлингиздан келган бир парча мактубни бағрингизга босиб ётасиз. Унда фарзандингиз бармоқ излари бор. Қалб ҳарорати бор. Унинг соғомон қайтишини Яратгандан илтижо қиласиз. Ҳатто безовта тушингизнинг ҳар сонияси ҳам ўғлингиз билан кечади. Ором билмас қалбнинг гўйибона табаррук оstonангизни босиб ўтаётган фарзанд илинжи билан лиммо-лим. Гўё у — мана мана эшикдан кириб келади-ю, бирдан булутлар орасини ёриб чиққан қувш янглиғ «онажон» дея бағрингизга отилади. Эҳ, висол онлари нақард ширин.

Бир кун, бир кун... Бунга айтишга тил ҳам бормайди. Кечки пайт даладан ҳориб-чарчаб қайтидингиз. Хат ташувчи амаки хо-муш сизни йўқлаб келди. Кўзингизга қарашга ботинмай титроқ кўллари билан ўч бурчакли мактубни олиб сизга тутаркан, гамгин хамдардлик билдирди. «Қўлга келган туй».

Сиз тош қотдингиз. Кейин иситма аралаш алаҳсираган кишидек «йўк» дедингиз. «Ўғлим тирик» дедингиз. «Ишонмайман» дея ҳайқирдингиз. Лекин ўзгалар сингари соч юлиб, аза очмадингиз. Умид ва ишонч билан яшадингиз. Дилбандингизни йиллар қадар зор-интизор кутдингиз.

«Уруш тамом бўлди», деган хушxabардан бағрингиз тўлди. «Энди ўғлим келади» деб эшик пойладингиз. Лекин у келмади. Тунларни фарзандингиз бир учини тишлаб кетган кемтик нонга термула-термула ўтказдингиз. Қачонки, Хотира майдонига қад кўтарган ёдгорлик мажмуида жангтоҳларда ҳалок бўлган юртдошларимиз номи ёзилган зарҳал дафтardan ўғлингизнинг исми-шарифи ҳам ўрин олгандагина тақдир ёзувиге тан бердингиз. Урушга яна бир қарра ланъат ўқидингиз. Албатта, авлодлар сиздек меҳрибон, дилкаш, жароқаш уруш ғам-андушлирини бутун бўй-баста билан бошдан кечирган онажонларимизни унутмайди. Шунинг учун ҳам бугун сиз Мотамсар она тимсолида Хотира майдонига таширф буюрганларга гарчи гамбода қўринишингиз билан бўлса-да, нур ва фойз бағишлаб турибсиз. Халқимиз сиздек тинчликсевар, инсонпарвар, болажон оналари борлигини дахрланади. Сиз уруш тўғрисида ботган барча-барча онажонларимизнинг ягона тимсоли сифатида умрбоқий бўлиб қоласиз.

Бинобарин, хотирлаш ибораси урушда ҳалок бўлганларга тегишли бўлса, қадрлаш сўзи тирикларга хосдир. Зеро, суронли йиллар машаққатини бошдан ўтказиб, ўз юртига соғ-омон қайтганлар, уруш орти — меҳнат фронтда туриб қуролдошларимизга галабани тезлатиш учун зарурий ёрдани аямаяган, ҳозирда ҳаёт бўлган фахрийларимиз ва кексаларимиз чеккан заҳматлар ҳар қанча қадрга арзигулик. Бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган нурунийларимизга муносиб иззат-икром кўрсатиш бизнинг фарзандлик бурчимиз. Шунинг учун ҳам ҳар йили ушбу сана шарофати билан бутун республикада фахрийларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиб, совға-саломлар улашилади. Уруш дахшатларини кўрган, истибдод зулмини тортиб, Истиклол кунларига етган фахрийлар билан урчувлар ўтказилади. Бундай юзма-юз кўришувлар ва мароқли суҳбатлар кишиларимиз маънавиятини бойитиб, улар қалбидега уйғоқ хотира ва бугунги кундан миннатдорлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони Иккинчи жаҳон уруши ноғиронлари ва катнашчиларига кўрсатилаётган ҳурмат, иззат-икром белгиси деб тўшуномқо керак. Эл-юрт учун фидойий бўлган инсонлар меҳнати ҳеч қачон ерда қолмаслиги ва унутилмаслиги шундан ҳам билиниб, кўриниб турибди.

Онажонгана, мунис-меҳрибонгана! Атрофингизга бир қаранг. Сизга термулган кўзларда уруш тўғрисида ҳалок бўлган ўғлонлар руҳи муҳассан. Улар бугун биз билан бирга. Ўша шаҳид кетган йигитларимиз хотираси абадул-абад қалбларимизда мангу сақланади. Зеро, биз учун инсон хотираси муқаддас, қадри эса азизу муқаррам.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

ҚАДР ВА ЭЪТИБОР

йўк, бироқ уларнинг порлоқ хотираси ҳаминча қалбимизда биз билан бирга яшайди. Бугунги дорилоним, бахтли ва нурафшон кунларнинг қадрига етмоқ, она юртимизни кўз қорачигидек асраб-авай-

тади,—деди «Нуроний» шифохонаси бош шифокори Муқаддас Ризаева.— 50 ўринли терапия, 40 ўринли кардиология, 30 ва 35 ўринли неврология ҳамда психоматика, олти ўринли интенсив даволаш бўлимларида даволанувчилар учун замонавий тиббиёт жиҳозлари мавжуд. Ҳар йили тўрт, беш минг нафар фахрийлар, 23 нафар малакали шифокор ва 88 нафар ширинзабон ҳамширалар ёрдамида ўз соғлиқларини тиклайдилар. Бугунги тадбир эса уларнинг кўнгилларини кўтариб, руҳларини янада тиклаштириб деган умиддамиз. Ушбу тадбирни ташкиллаштиришда яқиндан туриб ёрдам берган ва ҳомийлик қилган Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» жағмармасининг Тошкент шаҳар бўлимига, Ҳамаза туман ҳокимлигига, «Экосан» ташкилотига, кемазининг янада фойдали ва мароқли ўтишини уларнинг дилрабо куй-қўшиқлари билан таъминлаб, фахрийларимизнинг дилларини нурафшон этган «Офарин» ва «Замин» гуруҳи аъзоларига ўз ташаккуримизни билдириб қоламиз.

Гулнигор САТТОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Азамат Аҳмедов олган сурат.

Эҳ, онагана, мунис-меҳрибонгана. Орадан неча-неча йиллар ўтибдики, ҳамон жангтоҳларда ҳалок бўлган фарзандингиз, дилбандингиз фикри ёди билан яшайсиз. Наҳот ўшга қора кунлар хали ҳам сизни тарқ этмаган бўлса? Ўғлингизни урушга қузатган ўша кунни муайен эслайсиз. Вокзал. Тумо-нат одам. Хайрлашув. Аччиқ кўз ёшлар. Жигарбандингизни бағрига олган поевздингиз кўздан узоклашувни, сўнгра соғинч билан ўтган уйқусиз тунлар. Нондек азиз бўлган икки энлик хат. У ҳам бўлса бирда бор, бирда йўқ.

Барбиров инсон бардошли. Тош келса кемириб, сув келса симириб ҳаммасига чидайди. Бошга тушганини кўз кўради, деганларини рост. Афсус-надомат чекиб ўтиришдан наф йўқ. Ҳар дам ганимат. Шаҳару кишлоқ, дала-ю даштда иш қалашиб ётибди. Бугун

ЎТГАН ЙИЛНИНГ ИЮНЬ ОЙИДА «МАТБУОТЧИЛАР УЙИ» ОШХОНАСИДА КИНОРЕЖИССЁР ШУҲРАТ БИЗАТОВ БИЛАН СЎНГИ МАРТА ДИЙДОРЛАШИБ, СУҲБАТЛАШАЁТганимиз тушимизга ҲАМ КИРМАГАНДИ.

ИҚТИДОРЛИ САНЪАТКОР ЭДИ

Ушанда у бир ёққа шошилаётган кишидек тез-тез гапирар, хаёли бироз парижон эди. Икки соат давом этган мулоқотимиз асосан кино санъати, унинг ижодкорлари, соҳадаги ижобий сил-жишлар ва муаммоларга бағишланган кечанинг кўз ўнгимдан кетмайди. Шу кунги уйга келишим биланқо учрашув таассуротларини қозғога тушириб қўйдим, ҳозир эса ундан юрагимда дард билан фойдаланяпман.

Шуҳрат Тошкентда «Эски жўваннинг қоқ марказида туғилиб воғая етди. Биринчи муаллим-устози Оқил Шарофидинов бўлди. Илк меҳнат фаолиятини республика телевидение ва радиоэширтириш давлат қўмитаси қошидаги киностудия лабораториясида оддий ходимликдан бошлади. Сўнгра кинооператор ассистенти, кинооператор, режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлади. Шундан ажралмаган ҳолда Тошкент театр ва расомчилик санъати институти тугатди. 44 йил узлуksиз «Ўзбектеlevision» студиясида ижод қилди. У олий тоифали кинорежиссёр сифатида тасмаларга туширилган ҳужжатли ва бадий фильмлар билан деярли барча хонадонларга таширф буюриб улгурган эди.

Ҳа, сўнги мулоқотда унинг ёшларга хос эҳтирос, ҳарорат ва ўшқинлик уфуриб турган овози хали ҳам қулоғим остида жаранлагандай бўлади. Ушбу хислатлар пировард натижада Шуҳрат Бизатовни эл-юртга танитди. Чунонки, халқ шоири Туроб Тула сценарийси асосида машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов ижодий фаолияти ҳақида «Мумтоз наволар» номли фильм концерт, «Ҳофизлар куйлаганда» фильмида эса Ўзбекистон халқ артистлари Орифжон Хотамов, Фаттоҳжон Мамадалиев, Муҳаммаджон Каримов, Очилов Отахонов ҳамда «Маком» ансамбли жамоаси ижросидаги мумтоз қўшиқлар тасмаларга муҳрланди.

«Увайсий» фильми эса муҳлислар томонидан юқори баҳоланиб, АКШда бўлиб ўтган кўриқда муқофотга лойиқ қўрилди. Охириги учрашувимиздан сал аввалроқ Шуҳрат Бизатов яратган «Қайтмас» бадий фильми ҳам муҳлислар, ҳам мутахассислар эътиборига сазовор бўлганди. «Машрабни қўйлаб», «Увайсий» бадий-мусликий фильмлари Қозғоистон, Германия ва Америкада ўтказилган фестивалларда муқофотли ўринни эгаллади.

«Шарқ тароналари» деб номланган тўртта фильмдан иборат ижод намуналари Словакия фестивалида муваффақият қозонди. Шунингдек, «Ўзбекистон йўллари» ҳужжатли фильми ҳам мавзу жиҳатдан долзарблиги билан ажралиб туради. Унда мамлакатимиздаги улкан аҳамиятга эга бўлган йўллар ва унинг бунёдкорлари ҳусусида қизиқарли хўжа қилинди.

Қисқаси, 150 дан зиёд фильмларга режиссёрлик қилган иктидорли ижодкор Шуҳрат Бизатов ҳозир ҳаёт бўлганида пайғамбар ёшига кирган бўларди. Кеча у билан сўнги бор учрашган ва дилдан суҳбат қурган жойда анча вақт халқ сўнбўти ўтирдим. Уни қўрдим, галлашдим, гурунлашдим, хаҳий қиларикор ҳеч қанча ўлмайдиган, деган ҳикоятга иймон келтирдим.

Абдунаби МАННОПОВ,
журналист.

ИНСОН, ХАЛҚ, МИЛЛАТ ТАРИХИЙ ХОТИРА БИЛАН ТИРИК, БАРҲАЙТИР. АЙНИҚСА, ЎТГАНЛАРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИНИ ЁДГА ОЛМОҚ, ҚАДРЛАМОҚ БИЗ УЧУН ҲАМ ФАРЗ, ҲАМ ҚАРЗДИР.

Яқинда Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Нуроний» шифохонасида «Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишлаб» «Хотира муқаддасдир»-мавзуда байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Нуроний» жағмармаси шаҳар бўлими, Ҳамаза туман ҳокимлиги томонидан иккинчи жаҳон уруши катнашчилари, ноғиронлар, уруш ортида хизмат қилганлар, ёлғиз қариялар, Афсон уруши катнашчилари—жам 250 нафар кишиларга байрам дастурхони ёзилиб, эсдалик совғалари топширилди.

—Сағимиз йилдан йилга камайиб кетмоқда,— дейди иккинчи жаҳон уруши катнашчиси Убайдулла Исмомов биз билан бўлган суҳбатда.—Аммо олдимизда шундай улғу ва нури кунлар бор экан, ўтганларнинг хотираси ҳаминча барҳаёт ва руҳлари доимо шод этилишига ишонаман. Уруш даврларини эслаш жуда оғир, ахир қанчадан-қанча дўсту-биродарларимиз маънавий уруш қурбони бўлганлар. Улар ҳозир ораимида

Кун йилгади, тун йилгади, йилгади чору-атроф. Пешонангиз силломай, ёнгангандан жилоғайи онажоннинг бўзлади. Гир айланди теграганди, куйворолмай бағридан, умид узолмай сандан отанг ёнар гамингда. Қайга кетдинг Миржалол? Қалбинг шунча музими, айтолмаган дардларинг наҳот кўзингда қотди. Болам, менинг бағрим ҳам куйиб ёниб кетмоқда, қайда Миржалолим деб сени излаб кутмоқда.



ламоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Зеро тинчлик ва осийшталлик яшашнинг олий мақсадидир. Илоҳим, шу муқаддас ва муқаррам заминимизга кўз тегмасин.

—Шифохонамиз уруш катнашчилари, уруш ортида хизмат қилганлар, ёлғиз қариялар ва ноғиронларга хизмат кўрса-

Катра АРМОНГА АЙЛАНДИНГ

бўлмасмиди, ота-онанг қучоғида яйраб-яйнаб, ўйнаб-қулиб юрарсанг бўлмасмиди.

Нигинадай опангнинг орқа тоғи эдинг-ку, кенжа шох Жаҳонгирнинг сунячиги сен эдинг-ку. Ота-онанг тўнчиги, орзуларининг боғичи, бору, йўғи ҳам борлиги, битмас-туганмас бойлиги, ушалмаган армонининг дармонлари сен эдинг.

У дунёнинг эшигини нега бунча эрта қокдинг. Наҳот қувватини болам, сен у дунёдан топдинг. Онагинангнинг охлари оламини тутмоқда, даданг бу айрилиқдан қонлар ютмоқда, табият бор аламини

истаганман ҳар он.

Энди эса армонларга айланди-ку ҳаммаси, яқинларинг юрагига босилдиқ айрилиқнинг битмас тамғаси. Чин дунёнинг жаннатига жойинг беҳишлардан бўлсин, фаришта-ю гуломонлар сенинқ содиқ дўстинг бўлсин. Оби кавсар сувларидай руҳинг пок ва безаволдир, бизга қолдирганин болам, аччиқ алам ва кўзёш-дир. Юрак бағрим эзилди дардин қозғоларга тўқдим. Миржалоб бу катрани йилга-йилга сўнгра битдим.

Бағри қуюқ даланга, мунис, мушфиқ онамга, ёлғизгина онапнга, қўнғли ўқисқ уқанга, қон-қариндош барига сабр берсин Оллоҳим. Бундайин жудоликни, энг бахти қароликни ҳеч бир одамозт наслига раво кўрмасин илоҳим.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ОИЛАСИ — ФАРЗАНДАРИ, НАБИРАЮ ЭВАРА-ЧЕВАРАЛARI ДАВРАСИДА КЕКСАЛИК ГАШТНИ СУРИШГА НИМА ЕТСИН. БУНДАЙ БАХТГА ЕТИШНИ ҲАР КИМ ОРЗУ ҚИЛАДИ, АЛБАТТА. БУТУН УМР ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИБ, КОМИЛ ФАРЗАНДАРИНИ ВОЯГА ЕТКАЗГАН ПИРУ БАДАВЛАТЛАРИМИЗНИ КЎРГАНДА УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ. УЛАРНИНГ ИБРАТЛИ УМРЛАРИ, БАХТИЁР ОИЛАЛАРИ БАРЧАГА НАМУНАДИР.

Пир у бадавлатларимиз ЯРИМ АСР ЁНМА-ЁН

Юнусобод туманидаги «Хирмон тепа» маҳалласида 50 йил биргаликда ширин турмуш кеңиб, аҳил-товуш оилага бош бўлиб кексаликка эса қадр топиб келаятган Насир ота ҳамда Муфлиҳа ая Отабекқовлар хонадонига кўнчилиқнинг ҳаваси келади. Бу табаррук отахон ва онахон мазмуни умр кеңиб, ҳозирда биргаликда кексалик гаштини суришмоқда. Оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни авайлаб-асраб, унга гарб юктирмай, 4 нафар комил инсонларни тарбиялаб, ўқитиб, уйли-жойли қилиб, 12 набира ва бир эвараларининг иззату эъзозиди, ардоғидилар. Насир ота кўп йиллар Тошкент кишлоқ хўжалиқ институтида талабаларга сабоқ берган ҳамда декан бўлган ва касабга уюшмаларида, бошланғич партия ташкилотларида фаолият юритиб, жамоат ишларида фаол қатнашган. Муфлиҳа ая ҳам Урта Осиё Давлат университетини тамомлаган давлат ва жамоат ишларида ташаббус кўрсатиб меҳнат қилган. Шуниси эътиборлики, Муфлиҳа ая 20 йил «Хирмон тепа» маҳалласида хотин-қизлар комиссияси раиси сифатида ҳозиргача фаолият юритиб келмоқда. Маҳалланинқ жонқуярларидан ҳисобланган аяни тунж кун маҳалла идорасида, ёки хотин-қизлар



орасида, оилаларда халқ дарди билан юрганлигини кўриш мумкин. Етмиш ёшда ҳам маҳалланинқ қорига яраб, фидойийлик кўрсатиб келаятган, оилаларини тинчлиги-товуғлигини таъминлашда доимо камарбаста бўлиб келаятган аянинг меҳнатлари ҳукуматишимиз томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча бор Фахрий ёрликлар ва «Мустақилликнинг 10 йиллиги» эсдалик нишонин билан тақдирланган.

—Кексалиқнинг ҳам ўз гашти бор. Халқимизда қўша қаринлар, деб беъиз айтимайди,— дейди Насир Отабек.— Қўша қаринлар ҳаммага ҳам насиб этсин. Табаррук ёшга етиб фарзандлар қамолини кўришдан ортиқ бахт борми. Мана мамлакатимизда кексалар, уруш фахрийларига гамхўрлик ва эътибор йилдан йилга ошииб бормоқда. Утганлар хотираси эъзозланиб, ҳаётлари қадрланмоқда. Бундай гамхўрликдан ниҳоятда хурсандман.

—Отам урушда катнашиб қайтиб келмаганлар,— дея суҳбатимизга қўшилдилар Муфлиҳа ая.— Биз уруш даври қўнчилиқларини бошдан кечирганимиз. Мустақилликдан сўнг Хотира майдонида хотира дафтарига отамнинг номлари қайд этилди. Шаҳарда хотираси музейига расмлари қўйилди. Шуниси қувонарлики, мамлакатимизда ўтганлар хотираси ёдга олиниб, уруш ва меҳнат фахрийлари эъзозланиётганлиги барчани қувонтирмоқда. Айниқса дили хаста кексаларнинг қўнғли кўтарилмоқда.

Насир ота ҳамда Муфлиҳа аянинг табаррук хонадонларида яқинда катта қувончли тадбир бўлиб ўтди. Бу умри қўнчилиқни турмуш қўнчилиқининг 50 йиллигини яқинлари, фарзандлари, дўст-биродарлари даврасида қизгин нишонлашди.

Насир ота ҳамда Муфлиҳа ая билан суҳбатлашиб, уларнинг бахтиёр оилалари, бир-бирларига кўрсатаётган ҳурматларини кўриб рости ҳавас қилдик. Табаррук инсонларнинг дуоларини олиб, қайтарганимиз, уларнинг «Яшилларга доимо ҳавас қилиб, яхши ният билан яшанг», деган эзгу тилақлари қалбимизга жо бўлди.

Гулором ХАМИДОВА
СУРАТДА: Насир ота ҳамда Муфлиҳа ая фарзандлари, набиралари даврасида.
Равшан Шокиров олган сурат

...1944 ЙИЛДА САПУН ТОГИДА БОРАЁТГАН ҚИЗГИН ЖАНГ ПАЙТИДА ҚАТТИҚ ЯРАДОР БЎЛДИМ. УШАНДА 84-ТАНК ПОЛКИ СОСТАВИДА ХИЗМАТ ҚИЛАРДИМ. ИККИ ОЁГИМ ВА ҚОВУРҒАМДАН ЯРАЛАНДИМ. ЎН БИРИНЧИ ҚОВУРҒАМДА ҲАМОН ОСКОЛКА БОР. ЧАП ОЁГИМДАГИСИ ИККИ ЙИЛ МУҚАДДАС ОЛДИРДИМ, — ДЕДИ САМИГ АБДУЛЛАЕВ ЎША ЖАНГУ ЖАДАЛ ЙИЛЛАРИ ЭСЛАРКАН, КЎЗЛАРИНИ БИР НУҚТАГА ТИКИЕ. («ЖАСОРАТ» КИТОБИДАН, 212-БЕТ)

ЯХШИЛАР ЁДИ

Қаҳрамон рассомни 1966 йил, Тошкентда табиий офат (26 апрель) содир бўлгандан буюн биланман. 1956 йилдан буюн Санъат музейининг директори бўлган эканлар. Биз соҳиб Н.Островский номидаги Тошкент театр-рассомлик санъати институти талабалари қаттиқ шиканланган нафосат маскани экспонатларини «Дўрмон»даги Қизил Ўзбекистон маданияти саройига қўчиришда қўмақлашдик.

Истариси иссиқ, хушмуомали, ширин сўзли бу инсон эътиборимни тортганди. Институти битирдим шу даргоҳда ишлаб кетдим. Самиг ака тўғри сўз, ҳалол инсонларни ёқтирардилар. Менга меҳр қўйиб, билмаганларини ўргатиб, музейшунос, санъатшунос даражасига олиб чиқдилар. Чорак аср у киши билан ишлаб, Мустақилликнинг иккинчи йилида танлов билан Санъатшунослик илмий-тадиқот институтида ишлаб, «Ўзбекистон Давлат санъат музейи ўтмиши, ҳозирги аҳоли ва келажик» мавзуда илмий-тадиқот ишларини олиб бордим. Шўро замони пайтларида музей ҳақида ёзилган музей тарихига тўзатишлар киритиб, ҳақиқатини билишга уриндим. Бу ишданму музейга раҳбарлик қилган С.Абдуллаев ва кейинги раҳбарлари беҳад хурсанд бўлишди ва шахсан менга миннатдорчилик билдиришди.

Самиг ака музейни чинакамига

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

БИДИМИ ВА ИҚТИДОРИЛИМЛАР ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ

«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ЖОЙЛАРДА БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛИБ ҚЕЛИНМОҚДА. ХУСУСАН, ЁШ АВЛОДНИНГ СОҒЛОМ ЎСИШИ, БИЛИМ ЮРТИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА АСОСЛАРИ ВА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШ, ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОНДАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ВА ХУҚУҚИЙ ОНГЛАРИНИ ОШИРИШ, ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАР РЎЙ БЕРГАНДА БИРИНЧИ ТИББИЙ ЁРДАМ БЕРИШГА ЎРГАТИШ МАҚСАДИДА ҲАР ЙИЛИ АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН «САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ» МУСОБАҚАСИ ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Кунги кеча Ҳамза туманидаги Авиасозлик коллежида «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди. Йигирма саккизилик мактаб ва ўрта коллеж ўқувчилари иштирок этган ушбу мусобақа гоятда қизиқarli, муросасиз ўтди. Асосийси ҳар йилдагидан кўтаринкилиги, билим кўникмаларининг ошганлиги билан ажралиб турди.

— Мақсадимиз ўқувчи-ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, беҳосдан турли ҳодисалар рўй берганда шовиб қолмасдан турри ҳаракат қилиш ва биринчи ёрдам кўрсатишга тайёр этиб тарбиялашдир, — дейди Қизил Ярим Ой жамияти Ҳамза тумани кенгаши раиси Санобар Актабаева. — Бу-

забт этган бўлса, учинчи ўринни 61, 244, 204-мактаблар жамоалари қўлга киритишди. Де-ворий газеталар кўрик-танлови голибини аниқлаш осон бўлмади. Жақамлар ҳайъати иштирокчилар сазй-ҳаракатини муносиб баҳолаб энг юксак мукофот — гран-при соврини голиби деб 161-мактабни эълон қилдилар. Биринчи ўринни 231-мактаб ва қурилиш коллежи, иккинчи ўринни 69, 166, 226-мактаблар ва Авиасозлар коллежи қўлга киритди.

— Йилдан йилга ушбу мусобақага ўқувчиларда қизиқиш ортиб бораётганини кузатиш жуда қўнгилли, — дейди мусобақанинг бош хақами, шифокор Марат Абдуғалимов. — Чунки ўқувчи-ёшларнинг билими қанчалик мусаҳақланса, бир-бирларига ишонч, меҳр-оқибат уйғонса, бегараз дўстлик, беминанат ёрдам кўрсатиш қўнгилда ҳукмрон бўлса, эртангиининг пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади.

Нихоятда қизиқarli ўтган ушбу мусобақа барчада яхши таассурот қолдирди. Иштирокчи ва голибларнинг барчаси эсдалик совғалари билан тақдирланиб, чиройли байрам дастурхонидан баҳраманд бўлишди.

«САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ» МУСОБАҚАСИ ЮНУСОБОД ТУМАНИДА

ҲАМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, Қизил Ярим Ой жамиятининг туман кенгаши, халқ таълими, ҳудудий тиббиёт бир-лашмасининг туман бўлимлари, «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган ушбу мусобақада 40 та мактаблараро ўтказилган мусобақада голиб бўлган 12 та мактаб санпостчилари танловнинг туман босқичида беллашдилар.

Мусобақа иштирокчилари сафда туриш, рапорт бериш, санитар сумкасидаги жиҳозларини ва кундалик дафтариини текшириш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, уйда бегарга қараш, шахсий ва жамоат гигиенаси, юкумли касалликлар ва унинг олдини олиш каби 8 та шарт бўйича билимларни, ўқув машғулотларидан олган кўникмаларини амалда кўрсатдилар.

Ҳақамлар ҳайъати ҳар бир шарт бўйича ўқувчилар, тўплаган балларни ҳисоблаб 1-ўринга 43-мактабни муносиб деб топди. 2-ўрин 259, 258-мактаб жамоасига ва 3-ўрин 365, 70-мактаб санпостчиларига насиб этди. Деворий газеталар кўрик-танловида эса голиблик 150- ва 240-мактабларга насиб этди.

Тадбир сўнггида қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Туман маданият бўлимининг ҳаваскор гуруҳлари ижросидаги концерт дастури барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ШАРҚ ВА ҒАРБ МУЛОҚОТИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ДОИМО ТУРЛИ ХАЛҚЛАРНИНГ САҢЪАТИ, АНЪАНАЛАРИ ВА ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ БИР-БИРИГА ЎЗARO ТАБСИР КЎРСАТИДИГАН МАКОН БЎЛИБ ҚЕЛГАН. МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА ҚАДИМДАН ТУРЛИ ХАЛҚЛАР ВА МАДАНИЯТЛАР ВАКИЛЛАРИ АҲИЛ-ИНОҚ ЯШАЙДИ. 3 МАЙ КУНИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАГАН «CONNECTIONS» (БИРЛАШИШ) МАВЗУГА БАҒИШЛАНГАН «ШАРҚ-ҒАРБ, ТОШКЕНТ ЧОРРАҲАСИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ДОЛЗАРФ ФОТО ВА ВИДЕО САҢЪАТИ БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ УШБУ ИЖОБИЙ ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТАЁТГАНИНИНГ ЯҚҚОЛ ИСБОТИДИР.

Ўзбекистон Бадий академияси, «Ўзбекистон маданияти ва саъъати форуми» жамғармаси, Тошкент фото уйи ва «Карвонсарой - бадий мулоқот» халқаро ташкилоти (Франция) томонидан ташкил этилган ушбу фестивал жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарлари ҳокимликлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдам 3 май куни бошланган ушбу маданий тадбирнинг янада кенг миқёс ва шаклга эга бўлишига хизмат қилди.

Фестиваль экспозициялари пойтахтимиздаги Тошкент фото уйи, Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазма зали, Алишер Навоий номи Миллий боғдаги Маданият ва саъъат кўрғазма залида намойиш этилмоқда. Шуниси эътиборлики, кўрғазмалар бир-бирини тақрорламайди, балки бойитади. Бундан кўзланган мақсад Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонларини серқирра маҳаллий ҳамда хоржий фото ва видео саъъати билан янада яқинроқ таништиришдир. Фестивалда Ўзбекистон, Болгария, Греция, Миср, Норвегия, Польша, Россия, Туркия, Украина, Франция, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлар фото ҳамда видео ижодкорларининг жами 400 га яқин ишлари намойиш этилмоқда. Турли услуб ва жанрларда яратилган бу асарлар Буюк Ипак йўли халқлари маданиятларининг ўзаро таъсири гоёсини ўзида муҷассам этган замонавий саъъатнинг янги воситаларини намёнён қилмоқда.

Айнан шу гоё фестивал давомида Ўзбекистон Тасвирий саъъат галереяси ва Тошкент фото уйида ўтказилган «Замонавий саъъат: янги йўналишлар ва уларни ривожлантириш йўллари» деб номланган анжуманининг асосий мавзуи бўлди.

Анжуманда бугунги кунда Ўзбекистон саъъатининг барча турларини ривожлантириш учун қўлай шароит яратиб берилаётган мамлакат эканлиги таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан миллий саъъатимиз қайта тикланмоқда, унинг замонавий йўналишлари ривожланмоқда.

Самарқандликлар ҳам фестивалда намойиш этилаётган фотосуратлар ва видеоинсталляциялар билан танишиш имконига эга бўлди. Самарқанддаги «Чорсу» галереясида ташкил этилган кўрғазма қадимий шаҳарнинг маданий ҳаётида катта воқеага айланди. Яқин кунлар ичида Хивадаги «Ичан-Кальа» музей-кўриқхонасида ҳам шундай кўрғазма ўз ишини бошлади.

— Мен ушбу фестивалда иштирок этаётганим туфайли Ўзбекистон саъъати нечоғлик қизиқarli ва кенг камровли эканини ўз кўзим билан кўриш имконига эга бўлдим, — дейди франциялик фотостуа Жоан Елард хоним. — Бундай йирик фестивални ташкил этиш лойиҳаси биз, турли мамлакатлар вакилларига қадимги ўзбек меъморларининг ноёб асарларини кўриш, ҳозирги замон ўзбек расомларининг серқирра ижоди билан танишиш имконини берди. Буларнинг ҳаммаси мени янги гоёлар сари ундайди, янги асарлар яратишга илҳомлантиради.

А. ИВАНОВА,
Ўза мухбири

Иқтисодиёт

БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАҲСУЛОТЛАР

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ, АЛБАТТА СИФАТЛИ ХОМ АШЕДАН ТАЙЁРЛАНАДИ ВА АНА ШУНДА ХАРИДОР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРАДИ. ШУНИНГ БАРОБАРИДА БУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БОЗОРИ ҲАМ ЧАҚҚОН БЎЛАДИ.

«ИАБ Анвар» хусусий корхонаси бу борада 12 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келмоқдаки, махсус иш кийимлари ва пойабзаллар ишлаб чиқарилаётган ушбу жамоада ишлаб чиқариш ҳажми, кийим-кечаклар сифати, махсулот турлари ортиб бораётганлиги бюортмачилар сафи кенгайишидан, талаб кўнаганидан далолатдир.

Ортимизда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот, компания ва фирмаларнинг бюортмаларини сифатли ҳамда вақтида бажарилаётганлиги, таклиф ва мулоҳазаларнинг эътиборга олиниши кулай ва чидамли кийим-кечак моделларини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис бўлса керак, бугунги кунга келиб 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада 1000 турдан зиёд кийим-кечак турлари мавжуд. Цехлардаги Япония дастгоҳ ва машиналари эса сифатли махсулотлар тайёрлашда қўл келиши, шубҳасиз.

Ўтган йилда корхона тadbиркорлари «СТАРПАН» қурилиш фирмаси, «ТошкентЛада» қўшма корхонаси, «Махсустрас» бошқармаси ва бошқа ўнлаб бюортмачиларга талаб ва таклифдан келиб чиқиб махсус иш кийимлари тикилди. Жорий йилда эса нафақат маҳаллий корхона ваташкитлотлар учун иш кийимлари тикилади, шунингдек янги моделдаги либосларни хоризга экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ЭКОЛОГИК ТРАНСПОРТ ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

2-СОНИЛИ ТРАМВАЙ ДЕПОСИ ХОДИМЛАРИ БИРИНЧИ ЧОРАКНИ ЯХШИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎРСАТИКЧИЛАРИ БИЛАН ЯКУНЛАГАН ҲОЛДА АҲОЛИГА СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ, ШУНИНГДЕК, ҲАРАКАТЛАНУВЧИ ТАРКИБНИ НАМУНАЛИ ҲОЛДА САҚЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА.

Бугунги кунда 2-сонли трамвай депоси пойтахтимизнинг энг яхши транспорт ташкитлотларидан бўлиб, у бир қатор кўрсаткичлар бўйича ўз рақобатчиларидан ўзиб кетган. Жумладан, 2-депо тушумлар йиғиш бўйича биринчи ўринни эгаллаган. Биринчи чоракда ушбу жамоа 607 372 сўм йиғишга муваффақ бўлди. Бу эса режага нисбатан 104,8 фоизни ташкил этади. Депода бошқа кўрсаткичлар, хусусан, километраж, бажарилган рейслар ва вагон-кунлар бўйича ҳам яхши натижалар қайд қилинган.

Шу билан бирга транспорт ходимлари учун энг муҳими—йўловчиларга қўлайлиқ яратиш, уларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатишидир. Биринчи чорак давомида 6 404,8 минг йўловчи ташилган. Хизмат кўрсатиш сифати юзасидан бирон-бир эътироз билдирилмади.

Депо йўналишларида ўз ишининг усталари хизмат қилмоқда. Йўловчилар ташилда тўртта русумдаги трамвайлардан фойда-

ланилмоқда. Булар — «ТАТРА-3М», КТМ-5, «Спектр» ва РВЗ. Уларга 123 ҳайдовчи ва 99 нафар чиптачи хизмат кўрсатмоқда. Йўналишга чиқишдан олдин барча вагонлар лухта техник кўриқдан ўтади. Таъмирлаш-тиклаш хизмати туну кун ишлайди. Устахонада 32 нафар чилангар-таъмирловчи меҳнат қилмоқда.

2-сонли трамвай депоси директори Мирсобир Мирзиятовнинг таъкидлашича корхонага «Тошэлектротранс» ДК катта кўмак бермоқда.

— Режалаштирилган тадбирларни амалга оширмоқдамиз, ҳайдовчиларни билан иш олиб бораёмиз, уларнинг машаққатли ва айни пайтда масъулиятли меҳнати учун керакли шарт-шароитларни яратмоқдамиз, — дейди Мирсобир ака. — Яқинда «Ипподром» ва «26-квартал» шохбекларидидаги нозимхоналар капитал таъмирланди. Бу ерда ҳайдовчилар ва чиптачиларнинг киска мудатли хоридк чиқаришлари учун шароит яратилган. 250

минг сўмлик зарурий дори-дармонлар харид қилинган. Зарарли участкаларда ишловчи ходимларимизга сут, индивидуал химоя воситалари ажратилади. Депо ходимлари учун иш кийими тўпламларини харид қилдик. Мунтазам равишда техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар ўтказилмоқда.


Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ҳайдовчиларнинг ўз касбини лухта билиши, транспорт ходимларининг рағбатлантирилишига ҳам боғлиқ. Бу масалаларга корхонада катта эътибор қаратилади. Шифохоналарга 40 фоизлик чегирма билан имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

Биринчи чоракда ишчиларга 700 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шахмат, шашка бўйича мусобақалар ўтқа-

зилмоқда. Ходимларга маданий тадбирларга билетлар ажратилмоқда.

Яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан оқилоналик билан фойдаланаётган 2-сонли трамвай депоси ўз соҳасида энг илғорлар сафида бўлиб йўловчиларнинг манзилига ишончли ва хавфсиз этиб боришини таъминламоқда.

Усмон УСМОНОВ,
муаллиф олган сурат



ПОЙТАХТДА ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

ПОЙТАХТДА ЎЗБЕКИСТОН ФОНД ФОРУМИ ЖАМҒАРМАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТОШКЕНТ БАҲОРИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ» ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Мақур саъъат байрамида Ўзбек театр ижодкорларидан ташқари Италия, Испания, Япония ва Россия давлатларидан келган опера ва балет усталари иштирок этиб, ўзларининг мақшур спектакллари билан мухлисларни ҳушнуд этишди. Жаҳон классикасида яратилиб, дунёнинг мақшур сахналарида кўйилган ўнлаб асарларни ўзбек театр мухлиси ва мутахассислари мароқ билан томоша қилиб, баҳра олишди. Фестивалнинг илк кунлариданоқ намойиш этилган испаниялик балет жуфтлиги, Мадрид киролиги консерваториясидан келган бир қанча халқаро танловлар совриндори Лаура Хармигова ва Оскар Тародалар «Донкиход» спектаклида ўзларининг юксак маҳоратлари ила мухлисларда катта таассурот қолдирди. Халқаро фестивал доирасида томошабинлар яна қўллаб опера ва балет асарларини кўришга муваффақ бўлишди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»

УНИВЕРСИТЕТ 5 ЁШДА

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА БЕШ ЙИЛ ЎТДИ. 2002 ЙИЛНИНГ МАЙ ОЙИДА ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАГАН БУ НУФУЗЛИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИДА БРИТАНИЯ КЕНГАШИ ВА ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ (БУОК БРИТАНИЯ)НИНГ КЎМАГИ КАТТА БЎЛДИ.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мақур университетга ташриф буюриб, унинг очилишига бағишланган тантанали маросимда қатнашиб бу нуфузли олий ўқув юртининг миллий кадрлар тайёрлашда тўтган ўрнига оқори баҳо берган эди.

Мақур университет бизнес, иқтисодиёт ахборот технологиялари ва ҳуқуқ бўйича таълим бе-

риб келмоқда. Ёшларнинг инглиз тилида тахсил олиши учун бу ерда барча қўлайликлар муҳайёр этилган. 200 нафардан ортиқ талабани ўз бағрига олган бу олий ўқув юрти ўзининг дастлабки битирувчиларини учирма қилди.

Шу беш йиллик сана муносабати билан илмий анжуман ўтказилди.

Акбар АЛИЕВ

КУНИ КЕЧА РЕСПУБЛИКА КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИДА «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА КАТТА МААНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

МЕҲР БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Яққасарой тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси ва Республика кўзи ожизлар жамияти ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирга тумандаги камжарз оилалар фарзандлари ва ногиронлар коллежи ёшлари таклиф этилди.

— Тадбирнинг асл мақсад-моҳияти саъъатсевар ёшлар қўнгилга илқилик олиб кириш, саъъат йўлида ижод қилаётган танглик инсонлар билан яқиндан таништириш ва улар ижодидан баҳраманд этишидир, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими жонқўр ходими Саломат опа Расулова. — Токи тақдир тақозоси билан олгина жисмоний нуқсонли бор ёшлар ҳам ўзларини тўрт мучаси соғ тенгдошларидек эътиборга, меҳрга лойиқ эканлигини сезиб, кўриб туришлар.

Ўзбекистон халқ артистлари Мах-

муджон Тожибоев ва Қундуз Миркаримова, хореография билим юрти кафедра мудири Сайёра Примова билан бўлиб ўтган ижодий учрашув жуда мароқли ва серзавқ, таассуротларга бой тарзда ўтди. Элимизнинг ардоқли санъаткорлари ўзларининг босиб ўтган бой ҳаётий тажрибалари, ижод йўллари ҳақида батафсил маълумот бердилар. Ҳаётларида рўй берган, узок вақт ёдларида сақланиб қолган унутилмас воқеалар, илк учрашув, илк саҳнага чиқиш, томошабин меҳрини қозониш йўлидаги интилиш ва изланишлар ҳақида сўзлаб тадбирнинг ниҳоятда жонли ўтишига ҳисса қўшдилар.

Мумтоз наволар янграб, кўнгиллар кўтарилган давра барчада яхши таассурот қолдирди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

РОССИЯ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИДА (РХДУ) БИР НЕЧА ЎН ЙИЛЛАРДАН БУЁН БАҲОР ФАСЛИДА ЎТҚАЗИБ КЕЛИНАДИГАН АНЪАНАВИЙ БАЙРАМИ «ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН КЕЛГАН ТАЛАБАЛАРНИНГ ПАРАДИ», ДЕБ АТАСА ҲАМ БЎЛАДИ. ФЕСТИВАЛЬ ДАВОМИДА ТУРЛИ ЮРТЛАРДАН КЕЛГАН ТАЛАБАЛАР ЎЗ ДАВЛАТЛАРИ ВА ХАЛҚЛАРИНИНГ ТАРИХИ, МАДАНИЯТИ, АНЪАНАЛАРИ, ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРИ БИЛАН МЕҲМОНЛАРНИ ЯҚИНРОҚ ТАНИШТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШАДИ. БУ ГАЛГИ ТАДБИРДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР ИККИНЧИ МАРОТАБА ИШТИРОК ЭТИШДИ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАЛАР «ЖАНУБИ ҒАРБИЙ САЙЁРА» БАЙРАМИДА

Сўнгги йилларда байрам «Жанубий ғарбий сайёра» номини олди Гап шундаки, анжуман алақандон бир университет доирасидан чиқиб, эндиликда унда Москванинг жанубий ғарбий маъмурий округида жойлашган бошқа олий ўқув юртли ва Россия пойтахтининг бошқа чеккаларидан ҳам минглаб талабалар иштирок этишмоқда.

— Ўзбекистонлик талабаларнинг ўтган йилги байрамдаги илк иштироки муваффақиятли бўлганди, — дейди Россия Халқлар дўстлиги университетидаги ўзбекистонлик талабалар уюшмасининг раиси Дилдора Акбарова. — Ташкилотчилар бизнинг фестивалга тақдим этган пешлавҳамизни жуда ўзига хос, деб топилган эди. Бу йил бизга «Ўзбекистон маданияти ва саъъати форуми» жамғармаси яқиндан кўмаклашди. Бундан ташқари, бизни Москва Давлат университети талабалари — Улмасқў-

жа Жабборов, Дилшод Тошметов, Санжар Кўпайинов ҳамда Иқтисодиёт ва маданият институтидан Фарангиз Ражабова ва Москванинг бошқа олий ўқув юртлиларида тахсил олаётган ватандошларимиз қўллаб-қувватлашди. Менимча, бу сафар ҳам биз тайёрлаган Ўзбекистон стенди энг яхши ва ўзига хос пешлавҳалардан бири бўлди.

Талаба-йигитлар узун тахта ва қалин қозоқдан унча катта бўлмаган уйча қуришди. Унинг ташқи томонини бўяшди, ичкарасига ўзбекона кўрпачалар тўшади, деворлар миллий гилам ва матолар билан безатилди, столга лаганлар, сопол буюмлар ва миллий халқ ус-таларининг бошқа ишлари териб қўйилди. Қўллаб меҳмонлар ва тадбир иштирокчиларини ўзбек куйларининг жозибадор оҳанги беихтиёр ўзига жалб этди. Ўзбек уйчасини кўриш ва унинг ёнида сура-ратта тушиш учун улар тез-тез саф

тортидилар.

Ҳа, РХДУ асосий биноси олдидаги кенг майдон ўзгача байрамона кўриниш касб этди: турли давлатларнинг байроқлари, ёрқин рангдаги миллий либослар киши кўзини қувонтиради. Тадбир иштирокчилари ва меҳмонлар жаҳоннинг турли халқлари куйи ва қўшиқларини эшитиши ҳамда турли халқларнинг ранг-баранг миллий рақсларини томоша қилиши мумкин эди. 80 дан ортиқ давлат-ни намёнён этувчи пешлавҳалар майдонни безадди. Дарҳақиқат, уларнинг ҳар бири диққатга сазовор эди.

Яна бир эътиборга молик жиҳат — ёшларимиз томонидан ўзбек миллий таоми — палов дамлангани талабалар байрамига алоҳида шукўҳ бағишланди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА мухбири
Москва

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

17-18 МАЙ КУНЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ «BEST SOFT – UZBEKISTAN – 2007» БИРИНЧИ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ЎТҚАЗИЛАДИ.

Ушбу тадбир Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси (ИТ-ассоциация) томонидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмагида ташкил этилади.

Кўрғазманинг асосий мақсади — эришилган натижалар ва Ўзбекистон дастурий махсулотлари саноятини ривожлантириш истиқболларини кўрсатишдир. Бундай кўришни ўтказиш гоёси мамлакатимиз хусусий бизнеси вакиллари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. Бу соҳадаги кирқдан ортиқ компания кўрғазмада иштирок этиш истагини билдирди. Улар қаторида Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар компаниялари ҳам бор.

Мақур компанияларнинг ихтисослашув доираси анча кенг. Булар — тизимли интеграция, дастурий махсулот ишлаб чиқиш компаниялари, контент-провайдерлар, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда креатив ечимлар генераторлари ва бошқалар.

ИТ-ассоциациянинг ижрочи директори Илхом Абдуллаевнинг Ўза мухбирига хабар беришича, кўрғазма доирасида бир қатор маърифий, маданий-кўнгилочар тадбирлар ўтказилади. Компаниялар вакиллари «Энг яхши дастурий махсулот —

йил маркази», «2006 йилнинг энг яхши жорий этиш лойиҳаси», «ИТ-таълим соҳасидаги энг яхши компания» номинациялари бўйича республика танловида қатнашади.

Кўрғазманинг иккинчи кунда «ИТ-мутахассиси касб кўни» акцияси ўтказилади. Тадбир мутахассислар учун иш ўринлари ярмаркаси шаклида ташкил этилмоқда. Дастлабки ишлар www.resume.uz, www.job.doda.uz Интернет сайтлари орқали олиб борилмоқда. Уларда ахборот технологиялари соҳасидаги бўш иш ўринлари рўйхати билан танишиш мумкин. Бу рўйхат иштирокчи компанияларнинг аризаларига қараб ҳар кунги янгилаб борилади. Истаган киши ўзини қизиқтирган компания стендида ташриф буюриб, ходимлар хизмати раҳбарлари билан суҳбатлашиши мумкин.

Кўрғазманинг «Биз сизнинг муваффақиятининг дастурлаймиз» деган шиори ташкилотчиларнинг стратегик йўналишини аниқ акс эттиради. Бу стратегия шундан иборатки, компьютер дастурлаш Ўзбекистоннинг глобал ахборот иқтисодиёти

Оз-оз ўрганиб Домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Ўғри урса тўнни, тўн сизга жафо,
Лек тикувчи санъатига ул баҳо.

Чўп-ёғоч айлармиди хуснини фош,
Гар дурадгор этмаса хусну талош.

Зидни зид айлар эмиш зоҳир...

Ҳар кишиким ўз нуқсонин билур,
Ўз камоли манзилига от солур.

«Мен ундан яхшиман», деб нобакор
Айтмиш эрди, бу мараз ҳар қимда бор.

Лойқага ётмиш ариқ ости тўлиб,
Гарчи сув сенга кўрингай соф бўлиб.

Жаҳлу нафсни синдирур эр илм ила.

Ноумид бўлма, ўзингн шод қил.

Мен қулидирман унингким, улки бас,
Ҳар работда ўзни нонга шайламас.

Бас, работларни керак тарк айлаши,
Истаса манзилга етмоқни киши.

Интиҳосиз неча олам сизда жам.

Сенга кулгай иблису шайтон шу тоб,
Чунки ўзни яхши деб эддинг ҳисоб.

Жумла ҳайвонким, башарга ем эмиш,
Ақлу хуш лекин башарга ем эмиш.

Маъни ўтрисида сувратдир забун.

Ўзниким ойнада кўрди киши,
Юз ўғирди, бас, газаб бўлди иши.

Ўзни кўргач, ўзадган айб излади,
Чун жаҳаннам ўти унга хезлади.

Деди Ҳақким, кўнгли равшан бўлсангиз,
Телба, расволарга сиз кўз солмангиз.

Ўшатурсан гарчи булбул созини,
Не билурсан боғаро гул розини?

Чикса жаҳлинг, бос уни сен, қусмагил,
Қасдма-қасд айлаб, ширин сўзлар дегил.

Зухду тақво фазл учун меҳроб эрур.

Ўзни устун айламоқни кам қилинг.

Тингла, не дер ул ҳақими нуқтагўй:
Қайда ичсанг, унда сен бошингни қўй.

Маст бўлиб майхонадан чикса киши,
Кулги бўлгай, масхара бўлгай иши.

Чайқалур гоҳ ўннга, гоҳи сўлга ул,
Ҳолига кулгай унинг ҳар соддадил.

Ваҳму фикру ҳиссу идроку ҳавас—
Ёш бола минган қамишдир, бошқамас.

Юк бўлур илм, бермасга гар Тангри.

Илм юкин элтма ҳавойи нафс учун,
Илм тулпорига мингайсан у кун.

Кимса топмас бу кўнгли узра зафар.

Қай тарафга дил ишорат этса, ул
Бешта туйғу шул тарафга талпинур.

Сўйладик гар неча юмшоқ тил билан,
Сингмади ул тош каби кўнгила панд.

Хоҳишинг нур эрса, нурга оч қучоқ.

Ҳақ тиларки, Ҳақни билсанг, англасанг,
Бош эгиб, унга ибодат айласанг.

Сув оловни сўндирур, зероки у
То абад сув наслига душман, аду,

Сўнгра билсанг, асли ўт—шаҳват эрур,
Ҳосили—куфур гуноҳ, зиллат эрур.

Зоҳирий ўтни ўчиргай ўт, аё,
Оташи шаҳват сурар дўзахга то.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган

Республика Турк миллий маданий маркази бошқаруви
жамоаси марказ раисининг ўринбосари
Махаммадjon ЮСУПОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзо-
лари ҳамда яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яқкасарой туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси Иль-
мира Гафуровна Гулямовага отаси
Абдуғафор АЛИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор
этади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 406

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
2884 нусха босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар
жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказиди терилди ва сиқфланди.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси бошқармаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Тошқирилган вақти: 13.45



Президентимиз Ислам Каримов раҳ-
намолигида мунтазам ўтказиб келина-
ётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол ав-
лод» ва «Универсиада» мусобақалари-
дан иборат уч босқичли узлуксиз спорт
тизими аҳолини, айниқса, ёш авлод-
ни жисмоний тарбия ва спортга жалб
қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш
тарзини тарғиб этиш-
да муҳим омил бўлмоқ-
да.

Ушбу уч босқичли ти-
зим мусобақаларига
мезбонлик қилган На-
манган, Жиззах,
Фаргона, Андижон, Хо-
разм, Бухоро, Самарқанд,
Қашқадарё ва Тошкент
вилоятларида тегишли
талаблар ва андозалар-
га мос спорт иншоотла-
ри, очик ва ёпиқ сув ҳав-
залари барпо этилиб,
замонавий тарзда жи-
ҳозланди, оммавий
спортни ривожлантириш
инфратузилмаси шакл-
лантирилди.

Бу галги мезбон —
Тошкент шаҳрида юқори
сифатли спорт иншоот-
лари кўп бўлса-да, «Уни-
версиада — 2007» пой-
тахтимиздаги олий ўқув
юртлари талабаларига
янги имкониятларни, му-
ҳусусан, яна бир неча
ташам спорт иншоотла-
ри, сув ҳавзалари тақдим
этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Бундай янгиликларни, айниқса,
«Ёшлик» шаҳарчаси мисолида яққол
кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 1992 йил 11 феврал-
даги қарорига биноан «Ёшлик» тала-
балар шаҳарчаси мустақил маъмурий
худуд сифатида ташкил этилган. Ушбу
худудда қирқ икки мингдан зиёд фу-
қаро истиқомат қилади. Шаҳарчада 26
таълим муассасаси фаолият юритади.
Бу ердаги кўплаб савдо ва хизмат
кўрсатиш шохобчалари, поликлиника,
умумий овқатланиш муассасалари

минглаб талаба-ёшларга хизмат
кўрсатади.

Универсиада муносабати билан ша-
ҳарча кўрқига кўрқ кўшадиган янги ин-
шоотлар қурилди, мавжудлари қайта
таъмирланиб, теваарак-атрофи янада
ободонлаштирилди. «Ёшлик» шаҳарча-
сининг қиёфаси янада гўзаллашди.

мажмуи, Тошкент Тиббиёт академия-
сида 4000 томошабинга мўлжаллан-
ган стадион барпо этилди. Мазкур
олий ўқув юртлари худудидаги мавжуд спорт
иншоотлари қайта таъмирланиб, зам-
он талаблари асосида тўла жиҳоз-
ланди.



— Ушбу сарой халқаро андозалар-
га мос равишда барпо этилгани бил-
ан ҳам аҳамиятлидир, — деди сув
спорт саройи директори Чори Саи-
дов. — Унда йил бўйи сув спортин-
инг кўплаб турлари билан мунтазам
шуғулланиш имкони бор. Чунки са-
ройимиз сувдаги ҳароратни бир ма-
ромда сақлайдиган ва
сувни муттасил тоза-
лайдиган замонавий
ускуналар билан жиҳоз-
ланган.

Тошкент давлат тех-
ника университети сув
ҳавзаси ҳам талабалар
билан гавжум. Бу ерда
тажрибали мураббий ва
мутахассислар сузиш-
нинг брасс, чалқанча,
комплекс ва эркин тур-
лари бўйича тўғрақ
машғулотларини ўтказ-
моқда.

Универсиада давоми-
да иштирокчиларнинг
аксарияти - вилоятлар-
дан келган мингдан зиёд
спортчи ва ҳакамлар
«Ёшлик» шаҳарчасидаги
талабалар тураржойла-
рида истиқомат қилади.

Президентимиз Ислам
Каримов ташаббуси бил-
ан талабалар тураржой-
лари бугунги кун нуқтаи
назари, талаба-ёшлар-
нинг талаб ва эҳтиёж-
ларидан келиб чиққан ҳолда капитал таъ-
мирланиб, уларда замонавий шарт-ша-
роит яратилгани мусобақаларнинг юк-
сак савияда ўтишига хизмат қилади.


«Универсиада — 2007»да Тошкент
шаҳри, Қорақалпоғистон Республика-
си ҳамда барча вилоятлар терма жа-
моалари спортнинг ўн икки тури — бас-
кетбол, кураш, белбоғли кураш, волей-
бол, енгил атлетика, теннис, стол тен-
ниси, шахмат, футбол, гандбол, сузиш
ва дзюдо бўйича куч синашди.

Шаҳарча Универсиада иштирокчи-
ларини кутмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

«Универсиада -2007»

«Ёшлик» УНИВЕРСИАДА ИШТИРОКЧИЛАРИНИ КУТМОҚДА!



Ўзбекистон Миллий университети,
Тошкент Давлат техника университети
ва Тошкент Тиббиёт академиясининг
«Ёшлик» шаҳарчасида жойлаш-
ган спорт мажмуалари ва сув ҳавза-
лари мусобақа дастурига қиритилган
футбол, сузиш, гандбол, стол тенни-
си, баскетбол ҳамда енгил атлетика
беллашувларига мезбонлик қилади.
Мазкур спорт турлари бўйича мусо-
бақаларни юқори савияда ўтказиш
мақсадида Ўзбекистон Миллий уни-
верситети худудида 50 метрлик усти
ёпиқ сув спорт саройи, Тошкент Дав-
лат техника университетиде 25 метр-
лик сув ҳавзаси ва замонавий спорт

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,
минглаб йигит-қизлар истиқомат қила-
диган «Ёшлик» шаҳарчасида шу пайт-
гача сув ҳавзаси йўқ эди. «Универсиа-
да — 2007» мусобақаларига тайёргар-
лик кўриш жараёнида барпо этилган
сув спорт иншоотлари ҳар қандай ну-
фузли мусобақага мезбонлик қилиш
билан бирга талабаларнинг сув спорт
турлари билан мунтазам шуғулланиши
учун кенг имконият яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий
университети сув спорт саройидаги
синхрон сузиш, сузиш ва сув полоси
бўйича секцияларда юзлаб йигит-қиз
машғулот ўтказмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,
минглаб йигит-қизлар истиқомат қила-
диган «Ёшлик» шаҳарчасида шу пайт-
гача сув ҳавзаси йўқ эди. «Универсиа-
да — 2007» мусобақаларига тайёргар-
лик кўриш жараёнида барпо этилган
сув спорт иншоотлари ҳар қандай ну-
фузли мусобақага мезбонлик қилиш
билан бирга талабаларнинг сув спорт
турлари билан мунтазам шуғулланиши
учун кенг имконият яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон Миллий
университети сув спорт саройидаги
синхрон сузиш, сузиш ва сув полоси
бўйича секцияларда юзлаб йигит-қиз
машғулот ўтказмоқда.

Шаҳарча Универсиада иштирокчи-
ларини кутмоқда.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универ-
сал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 12 июнь кун-
соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси»
биносиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига
Суд қарорларини ижро этиши, судлар фаолиятини
моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш
департаменти Тошкент шаҳар худудий бошқармаси
томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар Яқкасарой
тумани Бешчинор кўчаси, 2-уйда жойлашган
«Аль-Пари-Инвест» МЧЖ шаклидаги ККга тегишли
қўйилган мулкларни қўймоқда.

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжати
асосан: икки қаватли ва ертўлага эга бўлган ишлаб чи-
қариш биноси. Бошланғич баҳоси-323 980 000 сўм.

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжати
асосан: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17,
18-уй манзилдаги «Севзор» автотураргоҳида сақланаёт-
ган давлат рақами 10АЕ707 бўлган ва 1999 йилда ишлаб
чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоуол. Бошланғич
баҳоси-6 514 516 сўм 62 тийин.

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжати
асосан: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17,
18-уй манзилдаги «Севзор» автотураргоҳида сақланаёт-
ган давлат рақами 10АС706 бўлган ва 1997 йилда ишлаб
чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоуол. Бошланғич
баҳоси-8 197 621 сўм 26 тийин.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Чилонзор туман Суд
ижрочилари бўлими томонидан тақдим этилган қўй-
илган мулк қўйилади.

2007 йил 20 мартдаги 3680/7 сонли ижро ҳужжати
асосан: «YALPIZ» МЧЖга тегишли Тошкент шаҳар Чилон-
зор тумани, Луфғий кўчаси 2 манзилдаги ум.майдони 347
кв.м.дан ташкил толган 1 қаватли савдо дўкони биноси.
Бошланғич баҳоси-154 960 000 сўм.

Қизиқли билдирган харидорлар ушбу мулкларни
суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб
кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидор-
лар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санаси-
ни кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10
фоиз миқдориде зақалат пулини «Ўзбекистон банк-
лари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази»
МЧЖнинг «Асаба» банк Автотранспорт филиалининг
«Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР
204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақами-
га тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш
учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок
этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат
пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхта-
тилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шаро-
итлари масалалари юзасидан қўйилган манзилга му-
рожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шай-
хонтоҳур тумани, А.Ҳўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94.

Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илти-
мосларига мувофиқ бутун май ва 1,2,3 июнь
кунлари соат 12.00, 15.00да цирк манежиде
«Ҳайвонлар қанавали» дастурининг намойи-
ши давом этади.

**Болалар ва катталар,
шошилинг, шошилинг!!!**

Томошалар шанба ва якшанба
кунлари соат 12.00, 15.00
да бошланади.
Маълумотлар учун
телефонлар:
144-35-91,
144-35-94,
144-32-23.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Ўзбекистон почтаси» очик
акциядорлик жамияти бошқа-
рув аппаратиға ахборот-ком-
муникация технологиялари
бўйича мутахассисларни ишга
жалб этиш бўйича танлов
эълон қилади.

Ҳар ойда бажарган ишига
қараб, ўртача 250-300 минг
сўмгача ойлик маоши тўла-
нади.

Танловда қатнашиш учун
қўйиладиган талаблар:

—Олий маълумотли, ўз му-
тахассислиги бўйича 5 йил-
дан кам бўлмаган меҳнат
стажига эга бўлиши;
—Компьютердаги мавжуд
дастурларда мукамал иш-
лай оладиган ҳамда муста-
қил равишда дастурлар тузиш
қобилиятиға эга бўлиши;
—Ўзбек, рус ва бошқа хо-
рижий тилларни билиши ке-
рак.

—Танлов комиссиясига

тўлиқ расмийлаштирилган
шахсий варақа (сўровнома),
маълумоти ҳақидаги диплом
нусхаси ва малака ўширган-
лиги ёки қайта тайёрлашдан
ўтганлиги ҳақидаги гувоҳно-
малар (Сертификат) тақдим
этилиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри,
А.Толстой кўчаси, 1-уй.
(Главпочтамт биноси).
Мурожаат учун телефон:
137-49-51.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанба-
дан ташқари ҳар кун соат
9.00 дан 16.00 гача қабул
қилинади.

Маълумотлар учун телефон:
133-28-95. Факс: (3712) 133-
21-56. Манзилимиз: Матбуот-
чилар кўчаси, 32-уй, 2-
қават, 208-хона.